***Шаймардан Бутунов***
***Катта ўқитувчи***
***Иқтисодиёт факультети***
***Қарши муҳандислик-иқтисодиёт институт, Ўзбекистон***

# ИШЛАБ ЧИҚАРИШ ДИНАМИКАСИДА АЙЛАНМА МАБЛАҒЛАРНИ ОПТИМАЛЛАШТИРИШ

***Аннотация:*** *Иқтисодий ривожланишнинг самарадорлигини таъминлаш шароитида корхоналарнинг айланма маблағларга етарли тарзда эга бўлиши уларнинг нормал фаолият юритиши гарови ҳисобланади.*

***Калит сўзлар:*** *Меҳнат воситалари, меҳнат кучлари, айланма маблағлар, харажат, пул маблағлари, захиралар, дебиторлар.*

***Шаймардан Бутунов***
***Старший преподаватель***
***Факультет Экономика***
***Каршинский инженерно-экономический институт, Узбекистан***

# ОПТИМИЗАЦИЯ ОБОРОТНЫХ СРЕДСТВ В ПРОИЗВОДСТВЕННОЙ ДИНАМИКЕ

***Аннотация:*** *В условиях обеспечения эффективности экономического развития достаточный оборотный капитал предприятий является гарантией их нормальной работы.*

***Ключевые слова:*** *орудия труда, рабочая сила, оборотный капитал, себестоимость, денежные средства, резервы, дебиторы.*

Хўжалик юритувчи субъектларда ишлаб чиқаришни ташкил қилишда меҳнат воситалари ва меҳнат кучларидан ташқари, айланма маблағларга ҳам эга бўлишлари зарур.

Айланма маблағлар корхона ишлаб чиқаришда қатнашадиган маблағларнинг бир қисми бўлиб, битта ишлаб чиқариш цикли давомида сарфланади ҳамда натурал шаклини ўзгартириб, ўз қийматини тўлиғича тайёр маҳсулот таннархига ўтказади. Шу сабабли айланма маблағлар ишлаб чиқариш жараёнининг мажбурий элементи ва ишлаб чиқариш харажатларининг асосий қисми ҳисобланади.

Корхона айланма маблағлар таркибига хом ашё ва материаллар заҳираси, ярим тайёр маҳулотлар, ёқилғи ва энергетика ресурслари, қадоқлаш ва ўров материаллари, эҳтиёт қисмлар, тугалланмаган ишлаб чиқариш ва келажакдаги харажатларни киритиш мумкин.

Корхонанинг айланма маблағларини таҳлил қилиб, уларнинг кўрсаткичларини учта гуруҳга бирлаштириш мумкин. Бу гуруҳлар:

- айланма маблағларнинг аҳволини;
- айланма маблағлар билан таъминланганликни;
- айланма маблағлардан фойдаланиш самарадорлигини бидиради.

Айланма маблағларнинг ҳолатини билдирувчи кўрсаткичларга қуйидагилар киради: айланма маблағлар суммаси, унинг ўртача қиймати, умумий маблағлардаги ҳиссаси, айланма маблағларнинг таркибий тузилиши, айланма маблағларда ўз маблағлари суммаси; айланма маблағлар динамикаси ва ҳ.к.

Айланма маблағларнинг кунларда ифодаланган миқдорини ҳисоблаш, бухгалтерия ҳисоботи маълумотлари асосида амалга оширилади. Бу кўрсаткич корхонанинг ишлаб чиқариш дастурини бажариш чоғида айланма маблағлар неча кунга етишини кўрсатади.

Бироқ, ушбу айланма маблағлардан ҳисобот даврида эмас, балки кейинги даврда фойдаланилади. Шу сабабли, айланма маблағларнинг асл суммасини кейинги чоракда маҳсулот ишлаб чиқаришга қилинадиган бир кунлик харажатларга тақсимлаш керак бўлади. Бу кўрсаткични ҳисоблаш учун қуйидаги формуладан фойдаланилади:

**Кайм.м = Айм х 90 / Ихаражат**

*бунда:*

*Кай.м. – кунларда ифодаланган айланма маблағлар;*

*Айм – айланма маблағлар суммаси;*

*Ихаражат – кейинги чоракдаги ишлаб чиқариш харажатларининг умумий миқдори.*

Ушбу кўрсаткич кунларда ва суммада ифодаланган амалдаги айланма маблағлар меъёрлари билан таққослаш учун керак.

Айланма маблағларнинг ўртача йиллик суммаси ўртача хронологик формула бўйича ҳисоблаб чиқарилади:

Ай.мў = **(Айм.1,5+Айм.2+ Айм.3+Айм.4+Айм.5,5) / 4**

*бунда:*

*Ай.му. – айланма маблағларнинг ўрта йиллик суммаси;*

*Айм.1, ..., Айм.5 – чораклар боши ва охиридаги айланма маблағлар суммаси.*

Бу кўрсаткич бизнес-режалар тузиш ва айланма маблағларнинг самарадорлигини аниқлаш учун ҳам кенг қўлланилади.

Корхонада айланма маблағлар ҳолатининг қандай эканлигини билиш учун, ҳозирги эркин иқтисодиёт шароитида, унинг динамикасини кўриб чиқиш мақсадга мувофиқ. Аммо айланма маблағлар динамикасини ўрганганда албатта барча активлар динамикаси билан солиштириш ва барча активларда уларнинг улуши қандай ўзгараётганлигини ҳам кузатиш бу борадаги хулосага анча ойдинлик киритади.

Ушбу ҳолатни таҳлил қилиш учун қуйидаги жадвални тузиш керак (1-жадвал).

**Корхонада айланма маблағлар динамикаси ва улар таркибининг ўзгариш ҳисоб-китоби**

(1-жадвал)

| **Йиллар** | **Айланма маблағлар** | **Барча активлар** | **Айланма** |
|---|---|---|---|

| | | | | | маблағларнинг барча активлардаги улуши, % |
|---|---|---|---|---|---|
| | суммаси, минг сўм | ўзгариш суръати, % | суммаси, минг сўм | ўзгариш суръати, % | |
| **2020** | 12546500 | 100 | 25612988 | 100 | 48,98 |
| **2021** | 13531070 | 107,85 | 33942245 | 132,52 | 39,86 |
| **2022** | 20889596 | 166,50 | 34378635 | 134,22 | 60,76 |

Айланма маблағларнинг барча активларга нисбатан ўсиш суръатининг коэффициенти 1.25 ни (166,5:134,22) ташкил қилади. Ҳозирги пайтда корхонанинг айланма маблағлари жадал ўсишга эга. Бу ижобий ҳолат,чунки айланма маблағлар етарли бўлмаса такомиллашган асосий воситалар ва малакали қадрлардан кутилган даражада самарадорликка эришиб бўлмайди.

(2-жадвал)

**Айланма маблағлар таркибида пул маблағлари ҳиссаси**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|---|---|---|---|
| **1. Пул маблағлари** | 1132560 | 1136332 | 1121488 |
| **2.Айланма маблағларнинг суммаси** | 12546500 | 13531070 | 20889596 |
| **Айланма маблағлар таркибида пул маблағлари %** | 9,03 | 8,40 | 5,37 |

Айланма маблағлар таркибида пул маблағлари ҳиссаси таҳлил даврида жуда паст даражада ва камайиш томонга ўзгарувчандир. 2020 йил якунида корхона пул маблағлари улуши 9.03% бўлган, кейинги йили эса 5.37%га тушган. Бу оператив ишлар учун қийинчилик туғдириши мумкин.

**(3-жадвал)**

**Айланма маблағлар таркибида ишлаб чиқариш захиралари ҳиссаси**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2020й. | 2021й. | 2022й. |
|---|---|---|---|
| 1. Захиралар | 5452320 | 6167274,5 | 6176023,5 |
| 2. Айланма маблағларнинг суммаси | 12546500 | 13531070 | 20889596 |
| Айланма маблағлар таркибида заҳиралар ҳиссаси,% | 43,46 | 45,58 | 29,57 |

Айланма маблағлар таркибида ишлаб чиқариш захиралари ҳиссаси 2022 йили олдинги йилга нисбатан қарийб икки баробар камайган ва охирги йили 29.57%га тушиб қолган.

**(4-жадвал)**

**Айланма маблағлар таркибида дебиторлар ҳиссаси**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2020й. | 2021й. | 2022й. |
|---|---|---|---|
| 1.Дебиторлар | 2721733 | 4211820 | 4030722,5 |
| 2.Айланма маблағларнинг суммаси | 12546500 | 13531070 | 20889596 |
| Айланма маблағлар таркибида дебиторлар (Деб) ҳиссаси) | 21,69 | 31,13 | 19,30 |

Корхонада Айланма маблағлар таркибида дебиторлар ҳиссаси охирги уч йилда камайиб борган. Унинг улуши 2021йили 21.69%дан 31.13%гача кўпайган, охирги йили 19.3%гача камайган. Бу ҳолат корхонани истеъмолчиларга боғланиб қолганлигини кўрсатиб турибди, дебиторларни янада камайтириш тадбирларини амалга ошириш лозим.

**(5-жадвал)**

**Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебиторлардаги ҳиссаси**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|---|---|---|---|
| 1. Муддати ўтган дебиторлар | 321520 | 348632 | 356320 |
| 2. Дебиторлар | 2721733 | 4211820 | 4030722,5 |
| 3. Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий Дебиторлардаги ҳиссаси | 11,81 | 8,28 | 8,84 |

Корхонада муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий Дебиторлардаги ҳиссаси таҳлил даврининг бошида 2020 йил 11.81% бўлса, кейинги йилларда нотекис ўзгариб боради. Бу ҳолат корхонанинг ишлаб чиқариш салоҳиятига таъсири катта бўлади ва дарҳол кескин чоралар кўриш лозим.

**(6-жадвал)**

**Айланма маблағлар таркибида ўз маблағлари ҳиссаси**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2020 й. | 2021 й. | 2022 й. |
|---|---|---|---|
| 1. Ўз маблағлари манбалари | 4032470 | 4382767 | 5382000 |
| 2. Айланма маблағларнинг суммаси | 12546500 | 13531070 | 20889596 |
| Айланма маблағлар таркибида ўз маблағлари ҳиссаси | 32,14 | 32,39 | 25,76 |

Корхона дастлабки икки йилда айланма маблағларда ўз маблағларининг ҳиссасини ошиб бориши ижобий ҳолат ҳисобланади. Лекин 2022 йилда бу кўрсаткич кескин камайиб кетган.

**(7-жадвал)**

**Айланма маблағлар ҳолатини ифодаловчи кўрсаткичлар**

| Кўрсаткичларнинг номи | 2020 й. | 2021 й. | 2022й. | 2022 йилда 2020 йилга нисбатан фарқи (+,-) |
|---|---|---|---|---|
| Айланма маблағларнинг | 48,98 | 39,86 | 60,76 | 11,78 |

| | | | | |
|---|---|---|---|---|
| **умумий маблағлардаги ҳиссаси** | | | | |
| **Айланма маблағлар таркибида пул маблағлари ҳиссаси** | 9,03 | 8,40 | 5,37 | -3,66 |
| **Айланма маблағлар таркибида заҳиралар ҳиссаси** | 43,46 | 45,58 | 29,57 | -13,89 |
| **Айланма маблағлар таркибида дебиторлар ҳиссаси** | 21,69 | 31,13 | 19,30 | -2,39 |
| **Муддати ўтиб кетган дебиторларнинг умумий дебеторлик карзларидаги ҳиссаси** | 11,81 | 8,28 | 8,84 | -2,97 |
| **Айланма маблағлар таркибида ўз маблағлари ҳиссаси** | 32,14 | 32,39 | 25,76 | -6,38 |

Умумлашган ҳолатда тузилган 7-жадвал маълумотларидан кўринадики, корхона айланма маблағларининг умумий маблағлардаги ҳиссаси юқори бўлиб 2020 йилда 48.98 %ни ташкил этган, кейинги йилларда ортиб давр оҳирида 11.78% бандга ортган. Корхона ишлаб-чиқариш фаолияти билан шўғилланганлиги сабабли, тармоқ хусусиятидан келиб чиқиб унда асосий воситалардан кўра айланма маблағлар кўп бўлиши ҳам керак. Бу эса маҳсулот таннархини асосий воситалар ҳисобига ошиб кетишига йўл қўймайди.

Ҳисобот даврида пул маблағлари манбалари 3.66% бандга камайган бўлиб, умумий улуши ҳам катта эмас. Айланма маблағлар таркибида ишлаб чиқариш захираларининг камайиши ишлаб чиқариш узилишига,

тугалланмаган ишлаб чиқаришни кўпайишига, харидорлар олдида мажбуриятларни бажарилмаслигига олиб келади.

Корхонанинг ўз маблағлари улуши охирги учинчи йилда 25.6% фоизни ташкил қилиши ижобий ҳолат эмасдир, ўсишнинг суръатини оширишга интилиш лозим.

Айланма маблағларни нормалаштириш корхонанинг узлуксиз ишлаши таъминлайдиган моддий бойлик ва бошқа ресурсларнинг минимал, лекин етарли заҳираларини шакллантириш учун зарур бўлган пул маблағларини аниқлашда ифодаланади. У ички заҳираларни аниқлаш, ишлаб чиқариш цикли давомийлигини қисқартириш ва тайёр маҳсулотни тезроқ сотиш имкон яратади

Айланма маблағлар билан таъминланиш даражаси уларнинг меъёрдан фарқ қилиши билан белгиланади. Корхонанинг молиявий аҳволини мустаҳкамлаш, моддий ва молиявий ресурслардан оқилона фойдаланиш, айланма маблағларнинг айланишини тезлаштириш мақсадида, фаолият турларини ҳисобга олган ҳолда, айланма маблағларнинг табақалаштирилган меъёрлари тасдиқланган.

Айланма маблағлар сиғимининг ўсиши маҳсулот таннархини ошишига олиб келади. Бу борада хомашёдан фойдаланишни яхшилаш ёки унинг янги турларидан, прогрессив нормалардан фойдаланишга ўтиш тавсия этилади. Айланма маблағлар ҳақиқий қийматининг меъёрдан кескин кўп бўлиши унинг самарадорлигига таъсир этиши мумкин.

**Адабиётлар:**

1. Ўзбекистон Республикаси Президентининг “Тадбиркорлик мақсадларида фойдаланиш учун давлат мулки объектларини сотишни жадаллаштириш ва унинг тартиб-таомилларини янада соддалаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 17.01.2017 йилдаги ПФ-4933-сон Фармони.

2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2015 йил 4 мартдаги «2015-2019 йилларда ишлаб чиқаришни модернизация ва диверсификация

қилиш, таркибий ўзгаришларни таъминлаш бўйича дастурий чора-тадбирлар тўғрисида» ги ПФ-4707 сонли Фармони
3. Ш. Мирзиёев. Танқидий таҳлил, қатъий тартиб-интизом ва шахсий жавобгарлик – ҳар бир раҳбар фаолиятининг кундалик қоидаси бўлиши керак.// Халқ сўзи. 15 январ 2017 йил.
4. Абдукаримов И.Т. ва бошқалар Корхона иқтисодий салоҳияти таҳлили. – Т.: Иқтисодиёт ва ҳуқуқ дунёси, 2013, – 256 б.
5. Ваҳобов ва бошқ. Молиявий ва бошқарув таҳлили: Дарслик. – Т.: “Шарқ”, 2010. – 480 б.
6. Белых Л.П. Реструктуризация предприятия. Учеб. пособ. – М.: ЮНИТИ-ДАНА, 2009. – 511 с.